

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАН ВА ТЕХНОЛОГИЯЛАР  
АГЕНТЛИГИ  
ЎЗР ФА ЁШ ОЛИМЛАР КЕНГАШИ  
ЎЗР ФА БИРЛАШГАН КАСАБА УЮШМАСИ ҚЎМИТАСИ**



**ФАН ВА ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА  
ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ**  
*Республика илмий-назарий конференция материаллари  
тўплами  
24 ноябрь 2017 йил*



**РОЛЬ МОЛОДЕЖИ В РАЗВИТИИ НАУКИ И  
ОБРАЗОВАНИЯ**  
*Сборник материалов научно-теоретической конференции  
24 ноября 2017 года*

Тошкент, 2017 й.

ҳаққа ҳам топилмаюр. Ушбу сабаб илан умид этамиз, аҳоли тўйларда қандни исроф этмакдан тийилур”.

Амир Олимхон серхаражат тўйлар оилаларни иқтисодий фалоқат ёқасига олиб келишини англаган ҳолда, бундай тўйларни бартараф этиш бўйича қатъий талабларни ишлаб чиқди. Натижада тўй кунлари қисқартирилди, бир хил овқат пишириш белгилаб қўйилди, чопон кийдиришлар кескин камайди, қанд тарқатиш тўхтатилди ҳамда кўпқарилар ўтказилмай қўйилди. Айрим амалдорларнинг порахўрлиги туфайли амир фармонига зид равишда ҳашамдор тўйлар ўтказиб турилган бўлса-да, оддий халқ бу фармонларни мамнуният билан қабул қилди ва унга амал қилди.

Хулоса қилиб айтганда, орадан 100 йилдан ортиқроқ вақт ўтиб, бугунги жамиятимиз олдида ҳам тўй маросимларини тартибга солиш долзарб масала бўлиб турибди. Президентимиз Ш. Мирзиёев айтганидек, халқимиз “пул топиб, ақл топмаган, маънавий савияси паст кимсаларга айланиб қолмаслиги, тўй-ҳашамлар, маъракаларни ўтказиш бўйича мусобақа ўйнаб, турли-туман янги одатларни ўйлаб топмаслиги” зарур.

*Адабиётлар:*

1. *Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир. Президент Ш. Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси // “Ўзбекистон овози”, 2017 йил 5 август.*
2. *В Бухаре // “Туркестанская ведомости”, № 92,28 апреля 1911 года.*
3. *Бухоронинг янги амири марҳамати // “Туркистон вилояти газети”, № 16, 1911 йил 6 март.*
4. *Миллий машаат // “Таржимон”, № 11, 1911 йил 11 март.*
5. *Бухоро тўйлари // “Ойна”, № 6, 1913 йил 30 ноябрь. – Б. 141-142.*
6. *Ўзбекистон МДА, И-461, 1-руйхат, 1784-иш, 170-варақ.*

## **ТАБИБЛАРНИНГ КАСБИЙ АНЪАНАЛАРИГА ДОИР МУЛОҲАЗАЛАР**

Жуманазаров Хуршид Сирождидинович

ЎзР ФА Тарих институти

xurshid\_87@mail.ru



**Резюме.** Ушбу мақолада табиб атамаси ҳақида айрим мулоҳазалар ҳамда табибларнинг маданиятига доир маълумотлар келтирилган. Табибларнинг касбий маданиятининг ўзига хослиги, бошқа касблардан фарқли жиҳатлари этнографик маълумотлар асосида ёритиб берилган. Касбга доир муомала маданияти, устоз-шогирдлик муносабатлари каби жараёнларга эътибор қаратилган. Мақолада “табиб” атамасининг маъноси ва келиб чиқишига оид фикрлар ҳам ўрин олган.

**Резюме.** В этой статье приведено некоторые информации связанные с термином *лекарь* и про культуру *лекарей*. Профессиональное соответствие культуры *лекарьев*, различное стороны *лекарьев*, различны стороны от других профессий раскрыто на основе этнографических информации. Профессиональное лечение культуры, такие как отношения между хозяевами студенческого внимания. Статья “*Табиб*”, в этом числе мнения о происхождении и значении этого термина.

**Калим сўзлар:** табиб, табиблик маданияти, иш ҳақи, касб сирлари, муомала маданияти, устоз-шогирд муносабати, васият.

Табобат билан боғлиқ аънаналар халқ маданиятининг ажралмас қисми сифатида инсоният тарихи билан ҳамоҳанг ривожланиб келмокда. Ушбу аънаналар одамларнинг касбий ютуқлари, ўсимлик ва ҳайвонот оламини кузатиши ҳамда кундалик тажрибалари натижасида юзага келадиган эмпирик билимлар йиғиндисидир. Шу сабабли табобат аънаналарини ўрганиш, унинг ютуқларидан фойдаланиш нафақат шу

соҳа вакиллари томонидан, балки замонавий тиббиёт вакиллари томонидан ҳам амалга оширилади.

Халқ табобатини илмий асосда ўрганиш натижасида унинг қимматли ютуқлари илмий асосини топди. Натижада, замонавий тиббиётда ҳам халқ табобатига доир қадимий даволаш усулларига катта эътибор қаратмоқда[3.3].

Умуман табобатда табиблик касби, маҳорати, одоби-бир сўз билан айтганда табиблик тушунчаси борки, бу тушунча тиббий тажрибалар ва илмлар билан ҳамоханг шаклланиб, соҳанинг бир бутунлигини таъминловчи омилдир. Бу омилни тадқиқ қилишда тиббий асарлар, соҳа вакилларининг хотира-эсдалик китоблари ҳамда этнографик дала тадқиқотлари муҳим аҳамиятга эга.

Халқ табобати билан шуғулланувчилар икки гуруҳга ажратилади: мистик табиблар (дуохон, азаимхон, фолбин) ва эмпирик табиблар (синиқчи, доя, жарроҳва х.к.). Биз қуйида эмпирик билимларга асосланиб даволайдиган табибларга эътибор қаратамиз.

Аввало табиб атамасига тўхталадиган бўлсак, «табиб» атамасининг маъноси ва тарихи борасида бир қанча тарихий ва тиббий адабиётлардан маълумотлар олишимиз мумкин[23.3, 26.197, 40.381]. Мавжуд адабиётларда «табиб» номи билан бирга «ҳаким» атамаси ҳам учрайди. «Табиб» (طبيب) сўзининг асоси арабча «тиб» бўлиб, «даво» маъносида ишлатилади, «ҳаким» эса «хикмат» сўзидан олинган бўлиб «донишмандлик», «донолик» маъноларида қўлланилган[33.64] ва бу икки сўз ўрта асрларда Араб халифалиги ташкил топгач кенг миқёсида тарқалди. Араб тилида саломатликни асраш, даволаш ва дори-дармон билан боғлиқ амалиётни ифодаловчи сўз «тибобат» дейилади. Сўзнинг ўзаги арабчи «табба» - феъли бўлиб, «даволаш» деган маънони билдиради. Бундан қуйидаги сўзлар ясалган: «тиббун-тиб»-даво, «тиббатун-тибобат»-даволаш, табиблик қилиш, «табибун-табиб»-ҳаким[37.19].

Туркий халқлар орасида табиб маъносини англатувчи бир қанча сўзлар бўлган. Жумладан, табибни «отачи», «эмчи», «атасағун» номлари билан аташган[24.71-114]. Ушбу сўзлардан фақатгина «эмчи» атамаси туркий халқлар ҳаётида кенг истеъмолда сақланиб қолган ва «табиб», «даволовчи» маъноларида қўлланилиб[25.5], асосан қалмиқ[38.40], қорақалпоқ[16.192], қозоқ[21.214] халқларида кўпроқ учрайди. Жанубий Қозоғистон ўзбеклари «таун»[5.95] номини табиблар ва даволовчи шомонларга нисбатан ҳам ишлатган. Табиб-инсон тана аъзоларини яхши биладиган, касаллик турлари ва даво усуллари ҳақида тўлақонли билимга эга бўлган ҳамда гиёҳларнинг хусусияти, дори тайёрлаш амалини эгаллаган шахсдир. «*Хаким*» сўзи ҳам табибнинг синоними бўлиб-табобат илмини моҳирона эгаллаган шахсга айтилади. Айрим манбаларда «*ҳаким*» атамаси соч-соқоли оқарган, ёши улуғ табибларга ёки чуқур билимга эга бўлган барча табибларга нисбатан ҳам қўлланилган[33.64]. Бугунги кунда «*ҳаким*» терминига нисбатан «*табиб*» сўзи кенг қўлланилмоқда.

Халқ табобатининг ўзига хослиги шундаки, табобат билан нафақат шу соҳада махсус таълим олган шахслар, балки асл касби бошқа-ю, лекин табобатнинг айрим турлари билан шуғулланувчилар ҳам мавжуд. Масалан, сартарошлар[29.69], темирчи усталар[7.21], ошпазлар[6.197] жарроҳлик, қон олиш, массаж қилиш, тиш олиш, хатна қилиш ва бошқа усулларни яхши билганлар. Булар халқ томонидан алоҳида «*уста*»[28.19] деб эъзозланган. Бу касб эгалар табибликка даъво қилмасаларда, ўз касб сирлари билан бир қаторда, табобатга доир билимларни ҳам ўз авлодларига мерос қолдиришган.

Табобат илми жуда мураккаб жараён бўлиб, ташхис қўйиш, дори тайёрлаш ва даволаш усуллари табибдан бир қанча ҳислатларни талаб қилади, яъни табиб жуда кўп дунёвий илмларни билиши, хусусан, физика, кимё, биология, астрономия, минералогия, психология сингари фанлардан хабордор бўлиши лозим бўлган. Бундай табиблар

“Зуфунун табиб” деб номланган. “Зуфунун” арабчада «*фанлар эгаси*» деган маънони билдириб[15.3], «*фанлар эгаси*» атамаси- шу фанларнинг билимдон табибларига мос таърифдир. Бу талаблар табибнинг илмий қиёфасига тегишли. Шу билан бир қаторда табибнинг инсоний фазилатлари, маънавий қиёфаси ва ахлоқига қўйилган талаблар ҳам борки-улар табиблик (касб) маданиятини ташкил қилади. Табибларнинг касб маданияти ҳақида манбаларда бир қанча маълумотлар учрайди. Унда табибнинг мустақил иш бошлаши учун қўйилган талаблар, беморлар билан муомила қилиш маданияти ва хушфеъл характерга эга бўлишнинг ижобий томонлари кўрсатилган. Жумладан, Марказий Осиё халқлари тарихига оид дастлабки манба “Авесто”да ҳам табобатга алоҳида тўхталиб ўтилган. Айнан мазкур китобда ёзилишича, табиб маънавий ва руҳий жиҳатдан пок бўлмоғи, эътиқоди мустаҳкам, либоси-ю асбоблари махсус суюқликда тозаланган, ўзи бир неча амалий тажрибалардан, синовлардан ўтган бўлиши керак[36.24]. «Авесто»нинг Вендивдат қисмига киритилган 22-боб (фаргард)нинг деярли ҳар бирида табобатга оид масалалар кўтарилган, жумладан, 6-фаргардда табибларни синаш, уларнинг хизматига тўланадиган ҳақни белгилаш каби масалалар ёритилади[32.25]. Бундан кўриниб турибдики, табиблик касби асрлар давомида маълум қоида ва талаблар асосида шаклланиб, бугунги кунга қадар етиб келган.

Ўрганилган манбалар ва этнографик тадқиқотларга таяниб ҳамда бошқа касбларга нисбатан табобатнинг ўзига хос томонларини ҳисобга олиб, табиб қуйидаги шахсий ва касбий маданият соҳиблари бўлиши лозим:

Табиблик тарихини яхши билиши. Ҳар қандай фан, маданият ўз тарихига ва маданий меросига эга бўлади[31.23]. Нафақат табобат илмида балки, барча касблар доирасида ҳам ҳар бир шахс ўз касби тарихини, ривожланиш босқичларини билиши зарур. Табибнинг ўз касби тарихини билиши табобат илмини ожиз ва ютуқ томонларини теран англаш имконини беради. Жумладан: Абу Бакр ар-Розий бундай деб ёзган эди: «Тиббиёт илми жуда узоқ асрлар давомида ривожланиб, такомиллашди. Бунда мингларча буюк табибларнинг хизмати бор. Шунинг учун кимки, уларнинг асарларини кунт билан ўқиса ва унинг моҳиятини англаш экан, у ўзининг қисқа вақтли умрида жуда кўп йиллар аввалги касалларни кўздан кечириб, орттирган тажрибаларига нисбатан кўпроқ нарсани билиб олиши мумкин. Чунки бир киши, у ҳатто минг йил умр кўрса ҳам, ўзидан илгари ўтган олимларнинг тажрибаси билан таниш бўлмаса, фақат ўз кузатувлари билан тиббиёт илмини етарли даражада эгаллай олмайди»[20. 7].

Демак, барча даврларда табиблар ўзларидан олдин ўтган ҳақимларнинг даволаш усуллари ва тажрибаларига суянган[41.13]. Табобат соҳасида фаолият юритувчи табиблар бирор касалликка қарши курашишда, янги дориворларни синаб кўришда ёки ҳали номаълум бўлган касалликка қарши чора излаганда айнан табобат тарихига мурожаат қилади. Шарқда табобат оид яратилган асарларнинг аксариятида муаллифлар ўзларидан олдин яшаб ўтган табибларнинг фаолияти ва яратган асарларини ўрганганлигини алоҳида қайд этишади. Агар замонавий олимлар аждодлар тажрибасини илмий равишда ўрганмаганда эди, тиббиёт илми бу даражада ривожланмаган эди[34.50]. Шу боис, ҳозирда ҳам табиблар ташхис қўйишда, касалликни даволашда ёки гиёҳлар хусусиятларини тўлароқ англаш ёки билиш мақсадида фан тарихига бевосита мурожаат қилишади.

- Устозлар томонидан қолдирилган васиятларни бажариш. Табиб устозлари бошлаган анъаналарни давом эттириши, уни ривожига ҳисса қўшиши ҳамда устозларнинг панд-насиҳатлари, васиятларига амал қилиши лозим. Аксарият табиблар касбни давом эттиришга кўзи етган, энг билимли шогирдига васият қолдирган[13]. Васиятда аввало устоз табиб ўзи яратган мактабни нутилиб кетмаслиги ва шу мақсадда устозининг бошқа шогирдларига жавобгарликни тажрибали шогирдларидан

бирига юклайди. Бундан ташқари табибнинг озода кийиниши, иш қуролларига бўлган муносабат ҳамда беморлар билан муомала қилиш одоби кабилар ҳам тилга олиниши мумкин. Баъзи ҳолларда устоз табиблар васият қолдирмайди ёки бунга уларнинг имкони бўлмайди, лекин шогирд устоздан сўнг унинг анъана ва усулларини онгли равишда васият ўрнида қабул қилиб, давом эттиради.

Табобат тарихига назар солсак, айрим табиблар ўзларининг энг сеvimли шогирдига бағишлаб қатор асарлар ёзган. Балки буни ҳам васиятнинг бир кўриниши сифатида талқин қилиш мумкин. Чунки табиб асарига синовдан ўтган ва исботланган билимларни киритади. Табобат соҳасида эса бу узоқ ва машаққатли меҳнатни талаб қилган. Абу Бакр ар-Розий бухоролик йирик олим Муҳаммад ибн Юнусни ниҳоятда ҳурмат билан тилга олади ва ўзининг кимёга оид энг йирик асарларидан иккитасини унга бағишлайди[17.29, 18.49].

- Хушфеъл ва муомала маданиятига эга бўлиши. Табибнинг асосий иш қуроли, унинг ширин муомаласидир. Табибнинг муомаласи даволаш жараёнининг асосий шартларидан бири ҳисобланади. Навоийнинг таъкидлашича, табиб «ўз фанининг моҳир билимдони бўлиши керак. У мулойим сўз ва бемор кўнглини кўтарувчи, андишали, хушфеъл бўлмоғи керак»[20.6], яна айтадики, «Табиб агар ўз касбига моҳир бўлса-ю, аммо ўзи бадфеъл, бепарво ва қўпол сўз бўлса, беморни ҳар қанча муолажа қилганда ҳам бари бир унинг мижозидида ўзгариш пайдо қила олмайди»[2.25].

Гиппократ ҳам табибнинг уч қуроли бор деб, аввало ширин сўзни тилга олган кейин тиғ ва шифобахш гиёҳларни келтирган[14.78]. Табибнинг муомала маданияти нафақат хасталиқдан фориғ бўлишда, балки унга нисбатан мижозларнинг кўпайишига ҳам хизмат қилади. Табиблар беморни ўз кишисидек қабул қилиши, сирлашиши каби ҳолатлар табиб-бемор ўртасида яқинликни юзага келтган. Табиб беморга, унинг яқинларига қандай муомала қилишни билиш зарур. Бу ҳолат бемор ва уни яқинлари томонидан табибни ўз одами сифатида қабул қилиши, унга ишониши ҳамда маълум доираларда тарғиб қилишга ҳам хизмат қилади.

- Беморлардан ҳақ олиш маданияти. Табиб маданияти ёки табобатнинг ўзига хос томони унинг бажарган меҳнати учун ҳақ олиш масаласидир. Меҳнат ҳаққи белгилашда табиб касалликнинг тури, даволаш муддати, унинг меҳнати ва албатта беморнинг моддий аҳволи ҳисобга олинади. Табибнинг меҳнати деганда биргина касални даволашда қилган фаолиятини тушунмаслик керак. Масалан, табобатда турли шамоллаш касалликлари қизиган тандирга солиш орқали даволанади. Тиббий тандирни ясаш ҳам меҳнат, ҳам ҳаражат талаб қилади. Агар табиб биринчи галда кўзлаган натижага эришмаса, тандирни қайта қуришга мажбур, демак ушбу даво усули маромига етгунга қадар мунтазам ҳаражат қилинади. Шу сабабли даво усулларига нарх белгилашда йиллар давомида қилинган аклий ва жисмоний меҳнати ҳам инобатга олиниши зарур. Лекин бунга асосий мезон сифатида қаралмайди.

«Авесто»да беморнинг аҳволи ва жамоада тутган ўрнига қараб ҳақ белгиланиши айтилади ва натура кўринишида ҳақ тўлаган[36.23]. Аёллардан ҳақ олиш уларнинг эрларининг даромадига қараб белгиланган[30.23]. Бугунги кунда ҳам айрим чекка ҳудудларда табибларни турли натура кўринишида ҳақ олиши сақланиб қолган, масалан, бугдой маҳсулотлари[11], хўл-қуруқ мевалар[12] ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари...

Демак, табибларнинг меҳнат ҳақи бир хил бўлмаган. Айрим ҳолларда халқ орасида «камбағал табиб», «арзон табиб»[10] каби атамалар учрайди. Бу номлар табибларнинг хизмат ҳақи ва дорилар таннархидан келиб чиқиб маҳаллий аҳоли томонидан қўлланилади. Табибга мурожат қилган оила ўзига тўқ, бой бўлса меҳнат ва гиёҳлар ҳақи қимматроқ белгиланади, шунинг ҳисобига камбағал, имконияти чекланган оилаларга турли чегирмалар қилиш имкони пайдо бўлади.

Масалани иккинчи томони эса, табиб касалга даволашда зарар келтирса қандай бўлади? Машхур Хаммурапи[35] қонунларида табиб беморни даволаса (жарроҳлик усулида) 80 гр. кумуш олган, лекин табиб жарроҳлик натижасида одамга жароҳат келтирса, ўлимига сабабчи бўлса, у ҳолда табибнинг бармоқлари кесиб ташланган, “Авесто”да эса натурал ҳақ тўланиши айтилади[31.23]. Ислом динида табиб беморга жароҳат етказиши ёки нотўғри даволаши катта гуноҳ ҳисобланган ҳамда уни бўйнига катта маъсулият юкланган[39]. Бундан кўринадики қадимдан табибларнинг иш ҳақи ёки беморга етказилган зарар миқдори қонун билан мустаҳкамлаб қўйилган. Ислом динида табибнинг мафкурасига хато қилишнинг оқибати сингдирилган. Бугунги кунда ҳам табибларнинг хато ва ютуқлари аввало жамият ҳамда беморнинг яқинлари томонидан назорат қилинади.

- Яхши, қобилатли шогирд тарбиялаш. Маълумки нафақат табобатда балки, барча касб-хунар соҳаларида устоз-шогирд аъёнларига таянган. Ҳар бир хунар эгаси ўз касбининг нозик сирларини биринчи навбатда ўғлига ўргатиб келган, яъни хунар билан боғлиқ сирларни оиладан ташқарига чиқармасликка ҳаракат қилган[8.40]. Бу қоидадан табобат илми ҳам мустасно эмас. Бу илм ҳам узоқ вақт бир оила тизимида, яъни отадан ўғилга ўтган ҳолда шаклланди. Агар оилада бу соҳага қизиқувчи топилмаса ёки, фарзанди бўлмаса (асосан ўғил фарзанд) четдан шогирд олинади. Шогирдни тарбиялаш, уни танлаб олишдан бошланади. Ҳар бир касб эгаси билим ва малакасини имкон қадар ўз шогирдлари ва ёрдамчиларига ўргатган, натижада ўша касбни яшовчанлигини таъминлаган. Касб ва хунарнинг йиллар давомида йўқолиб кетмаслигининг сабаби устоз-шогирд муносабатларининг маҳсулидир.

Табиблар шогирд томонидан амалга ошириладиган барча ҳатти-ҳаракатнинг жавобгарлиги устознинг зиммасида деб билганлар[9]. Шогирд устознинг барча ютуқлари ва билимларининг ворисдир, шундай экан шогирднинг қандай табиб бўлиб етишгани ва халқ томонидан билдирилган муносабат аввало устозга қаратилган бўлади. Табиб ўзи яратган мактабни завол топмаслиги учун ҳам истеъдодли шогирд етиштиришига эътибор қаратади. Шогирдлик муддати узоқ давом этган, устози вафот этгунча турли масалаларда мудом маслаҳат сўралади. Устоз шогирди камолга етгач, бир қанча табибларни чақириб имтиҳон қилган, сўнг мустақил фаолият бошлашига фотиҳа берган.

- Касб сирини қаттиқ риоя қилиш. Табибларнинг касб сирини иккига ажратиш мумкин. Биринчиси: табиблар ўзларига маълум бўлган даволаш ва дори тайёрлаш сирини. Табобат илми эмпирик билимлар мажмуи ҳисобланганлиги сабабли табибнинг фаолияти мунтазам изланишдан, тажриба тўплашдан иборат. Натижада турли касалликларни даволашда фақатгина ўзига маълум бўлган дорилар, усуллар яратилади. Табиблар даво усулларини машаққат билан топганлари учун айрим ҳолларда ютуқларни сир сақлайди. Табобатда табибларнинг сулолари шаклланиб, ҳар бир уруғ даволаш сирларини отадан фарзандга, фарзанддан неварига ўтказган, чунки бу билим улар учун тирикчилик манбаи эди[4.19]. Табиб меросини ўз фарзандига қолдириш сабаби, биринчидан: фарзанди ёшлигидан табобатга доир муолажаларни кўриб, кўзи пишиб борган бўлса, иккинчидан ота фақат ўзигагина маълум бўлган сирларни авлодларига хизмат қилишини хоҳлаган. Шундай бўлсада табиблар ўртасида тажриба алмашиш ҳамда эришган ютуқларини тақдим қилиш каби жараёнлар бўлган. Касб сирининг иккинчи томони эса бемор ва табиб ўртасидаги муносабат натижасида юзага келган. Маълумки касалликнинг турлари ҳамда шакллари бир қанча. Айрим ҳолларда касаллик номини ёки беморни исмини ошкор қилиш (касалликни авлоддан-авлодга ўтиши, юқумли эканлиги, жинсга боғлиқлиги...) жамоа олдида бемор учун ноқулайлик тўғдириши мумкин. Айрим ҳолларда бемор нафақат ўз ҳасталиги билан боғлиқ сирларни, балки аждодлари билан, оила аъзолари билан боғлиқ маълумотларни табибга

ишониб айтади. Ҳар бир беморга сирдош бўла олиш ҳамда даволаш учун аниқланган маълумотларни пинҳон тутиш касб маданиятининг биринчи босқичдир.

Иккинчи томони эса беморга касаллиги доирасида барча фикрни очиқ айтиб бўлмаслигидир. Беморни руҳий ҳолати касалликдан фориғ бўлишда муҳим аҳамиятга эга. Шу сабабли агар зарурати бўлмаса хасталик ҳақида гапириб, бемор руҳиятига таъсир қилмаслик зарур. Касб сирани ана шу қоидаларга асосланади.

- Гендер тенгликка ёки бошқа жинс вакилларига нисбатан чегарани сақлай олиш. Табиблик маданиятини кўрсатиб берувчи асосий омиллардан бири бу эркак табибни аёл олдида ўз ҳиссиётини яшариш қобилиятига эга бўлишидир. Бу ҳақида Ибн Сино шундай деган: «ҳақиқий табиб ўзининг кадр-қимматини сақлагани ҳолда даволайди ва бешарм ҳатти-ҳаракатлардан ўзини тияди. У мана шу фикрга мойил бўлсагина кишиларни даволашга борсин. Ўз виждонини даволай олмаган киши бошқаларни даволайман деса, бундай одам энг палид одамдир»[27.12]. Ўзбек халқининг табобат маданиятига ислом дини ўз ахлоқий қоидалари билан янгича дунёқараш олиб кирди. Яъни аёлларга бўлган муносабат, аёлларни ва улар билан муомала қилувчи эркакларни одоб-ахлоқига доир талаблар табобат соҳасида муҳим ўринга эга. Бу қоидалар табиб-бемор муомаласида эркак-аёл муносабатларига амал қилиш зарурлигидир. Табибларни қарама-қарши жинс вакиллари билан муносабати аввало ислом дини қоидалари асосига таянади. Табибни олдида ҳар икки жинс вакиллари ташриф буюради ва табиб аввало уларга «бемор» сифатида муносабатда бўлиб, «табиб» кўзи билан қараши лозим[10]. Табиб бошқа жинс вакиллари билан муносабат ўрнатишда фақатгина касбий қоидаларга амал қилиши камлик қилади. Тарихдан маълумки аёлларга ташхис қўйишда уларни қўлига боғланган ип орқали ёки ўзлари панада туриб, фақат қўллари орқали томир урушини кўришга руҳсат берилган[19.243]. Бугунги кунда ҳар икки жинс вакиллари табиб ҳузурига бориш имконияти бўлсада, табиблар қарама-қарши жинс вакиллари билан муносабатга киришганда оддий содда тилда сўзлашиши, айрим таҳминларни айтишда ахлоқий меёрларни ҳисобга олиши зарур. Табиблар ўз халқининг расм-русумларини, характерини ҳамда оилавий қарашларини мукамал билганликлари ва унга риоя қилганликлари учун обрў қозонганлар.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиқиб айтиш мумкинки халқимизнинг табобатга доир анъаналар, одоб-ахлоқ қоидалари асрлар давомида шаклланиб, сайқалланиб ривожланган. Табиблик маданиятини шаклланишида бир қанча омиллар асосий аҳамият касб этган. Масалан, аҳолининг диний қарашлари, жамиятнинг одоб-ахлоқ қоидалари, оила аъзоларининг ўзаро муносабатлари, аждодлар томонидан яратилган тиббий асарлар ҳамда айрим этник қоришувлар ушбу касб анъаналарида ўз аксини топган. Табиблар касбий ва шахсий фазилатларига қараб халқ томонидан улуғланган. Биз тилга олган табиблик маданияти умумий хусусиятга эга бўлиб, табобат соҳалари ва табиблик турларига ҳамда этнолокал хусусиятларга қараб мавжуд анъаналар ўзгариши ёки бошқа факторлар қўшилиши мумкин.

Афсуски Совет Иттифоқи даврида[33.63] ҳақиқий табиблар таъқиб қилиниб, касбий маданият анъаналарига жиддий зарба берилди. Бундан кўзланган мақсад замонавий тиббиёт ютуқларини ўлкадан кенг миқёсида ёйиш эди. Лекин барча ҳудудни қисқа вақтда малакали шифокорлар билан таъминлашнинг имкони бўлмади. Тиббий ёрдамга муҳтож аҳоли сонининг кўпайиши билан соғлиқни сақлаш соҳасида қатор муаммолар вужудга келди ва аҳолининг табибларга талаби ошди. Маҳаллий табиблар орасида уларга мурожаат қилган кишилар соғлиғига кўп ҳолларда зиён етказган сохта табиблар пайдо бўлди[22.48]. Ҳукуматнинг нотўғри сиёсати натижасида катта тарихга эга бўлган табобат анъаналари ўз обрўсини йўқотди. Табобатга оид тарихий китоблар, халқ орасида сақланган айрим усуллар ҳамда яширин равишда авлодларга мерос

қолдирган табибларнинг ҳаракати натижасида табобат илми ва маданияти сақланиб қолди.

*Адабиётлар:*

1. Алекперли Ф. Тысяча и один секрет востока. Том II. Баку. Нурлан. 2008.
2. Алишер Навоий. Маҳбуб ул-қулуб». Т. Ғофур Ғулом. 1983.
3. Алляров Х. История народной медицины Средней Азии. Автореф. дис. докт. мед. наук. М. 1993.
4. Ахмедов Р. Бухоро тиббиёти тарихи. Б. Университет. 2009.
5. Аширов А. Ўзбек халқи анъанавий турмуш тарзида қадимий диний эътиқодлар. Т.ф.д учун дисс. Т. 2008.
6. Василенко В. и др. Использование народной медицины для оказания помощи населению Северного Кавказа в дореволюционный период//Теория и практика общественного развития. 2013. № 9.
7. Ғоийбов М ва бошқ. Хива табобати. Т. Абу Али ибн Сино. 1995.
8. Давлатова С. Марказий Осиё ҳунармандчилиқ анъаналари // Шарқшунослик. Т. № 17. 2014.
9. Дала ёзувлари. Бухоро вилояти, Қорақўл тумани, Сайёд қишлоғи. 2015 йил.
10. Дала ёзувлари. Наманган вилояти, Наманган шаҳри. 2015 йил.
11. Дала ёзувлари. Самарқанд вилояти, Каттақўрғон шаҳри. 2015 йил.
12. Дала ёзувлари. Сурхондарё вилояти, Ангор тумани. 2015 йил.
13. Дала ёзувлари. Фарғона вилоят, Фарғона туман, Миндон қишлоғи. 2014 йил.
14. Жураев А. Халқ табобати. Т. Шарқ. 2008.
15. Жураев Ж., Жураев М. Табобат хазинасидан жавоҳирлар. Т. Академнашр. 2012.
16. Каракалпакско-русский словарь. Под ред. Н. А. Баскакова. М. Наука. 1958.
17. Каримов У. Неизвестное сочинение ар-Рази «Книга тайны тайн». Т. Изд. Академии наук Узбекской ССР. 1957.
18. Каримов У. Шарқшунослик институтида кимё тарихига оид манбаларни ўрганиши // Шарқшунослик.1993. № 4.
19. Кушелевский В. Материалы для медицинской географии и санитарного описания Ферганской области. Томъ I. Новый Маргилан. Тип. Ферган. област. правле. 1890.
20. Қодиров А. Навоий ва тиббиёт. Т. Абу Али ибн Сино. 1991.
21. Ларина Е. «Надо Жир Тенгри молиться- он травы дает» траволечение у казахов // “Этнокультурные процессы в прошлом и настоящем”. Сбор. научных статей. М. 2012.
22. Лунин Б. Бу хотира бўлиб қолади // Халқ ва демократия. 1992. № 11-12.
23. М.Г. Сартовская медицина // Туркестанские ведомости. 1912. № 208.
24. Қошғарий М. Девону лугатит турк. Том I. Т.Изд.Акад. наук Узб.ССР. 1960.
25. Минбаева З. Народная медицина башкир Курганской области (конец XIX – начало XXI в.). Автореф. дисс. к.и.н. Уфа. 2011.
26. Минбаева З. Народная медицинская терминология у башкир Курганской области // Урал-Алтай: через века в будущее. Материалы IV Всероссийской научной конф, посвященной III Всемирному Курултаю башкир. Уфа. 2010.
27. Мираҳмедов У. Зийнат илми // Фан ва турмуш. 1980. № 8.
28. Мўминова Г. Халқ табобати тарихидан // Сиҳат-саломатлик. 1999. № 1.
29. Назаров С., Шомирзаев Н., Иргашев Ш. Абу-л-Косим аз-Захравий ўрта аср амалий жарроҳлигининг асосчиси // Ўзбекистон тиббиёт 2002. № 2-3.
30. Пармонов С. Қадимги шарқ табобати // Сиҳат-саломатлик. Т. 1999. № 3.
31. Пармонов С. Қадимги шарқ тиббиёти фалсафаси // Сиҳат-саломатлик. 1999. № 1.
32. Раҳимов Р. “Авесто” ва табобат // Гулистон. 1983. № 16.
33. Сейфўлмулюков И. К вопросу о табибизме в Узбекистане // Медицинская мысль Узбекистана. 1928. № 9-10.
34. Собиров Р. Хоразм анъанавий табобатида доривор ўсимликларни ўрганиши ва улардан фойдаланиши. Хива. “Маъмур академияси”. 2011.
35. Хаммурати (мил. авв. 1792-1750)-қадимги Бобил подшоҳи. Тарихда қонулар тузувчи ҳукмдор сифатида тилга олинади. Унинг қонулари ҳамма қатлам учун бирдек мажбурий ва қатъийлиги билан ном қозонган.
36. Ҳомидий Х., Б. Дусчанов. “Авесто” ва тиббиёт. Т. Абу Али ибн Сино. 2001.



37. Ҳамроев М. Тибби ётми? Табобатми? // Шарқ табобати. 2009. № 3.
38. Шараева Т. И. Обряды жизненного цикла у калмыков: Дис. к.и.н. М. 2010.
39. Шейх Мухаммад Садык Мухаммад Юсуф. Аттестация врачей в Исламе. <http://islam.uz/islam/kutibxona/salomat/2012-12-05.2012-12-28.html>
40. Шишов А. Сарты. Этнографические и антропологические исследования // Сборник материалов для статистики Сырь-Дарьинской области. Том IX. Т. 1904.
41. Шодиев Т. Шахрисабзда тиббиёт тараққиётининг нурли йўли. Қариш. Насаф. 2004.

## **БОШЛАНҒИЧ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ МУСТАҚИЛ ИЖОДКОРЛИГИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**



Жуманазарова Гулжаҳон Умирзаковна  
Абдулла Қодирий номидаги ЖизДПИ, ф.ф.д.  
[guljahon19890@mail.ru](mailto:guljahon19890@mail.ru)

***Резюме.** Ушбу мақолада бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ижодкорлигини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ёритилган.*

***Резюме.** В этой статье освещено формирование самостоятельной исполнительности учеников начальных классов присущие им.*

***Калит сўзлар.** Бошланғич синф, тафаккур, мустақил ижодкорлик, ижод, болалар ижоди, ижодий мустақил иш, ижодий машиқ, мустақил фикрлаш*

Фанга истеъдодли ёшларнинг кириб келишини таъминлаш учун комплекс тадбирлар туркумини амлга ошириш зарур. Бу борада олий мактабнинг, ҳатто умумий таълим мактабларининг фаолиятини тубдан қайта қуриш керак. Истеъдодли ва иқтидорли ёшларни излаб топиш, қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг қобилиятларини ривожлантириш учун барча шарт-шароитларни яратишнинг республика тизимини ишлаб чиқиш керак.

Ўзбекистон Республикаси ёш авлоднинг билиш фаолиятини шакллантириш ва узлуксиз ривожлантириб боришнинг мақсади вазифалари, мазмуни, воситалари, методларини илмий педагог асосларга таянган ҳолда белгилаб беришни тақозо қилмоқда. Ушбу муаммонинг ечилиши ўқувчиларни ижодий фикрлаши, уларда билимни эгаллаш фаоллиги, мустақил билиш фаолиятини шакллантириш масалаларига боғлиқ. Бунда кичик ёшдаги мактаб ўқувчилари билиш фаолиятини шакллантириш долзарб аҳамият касб этиши яққол намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда ёш авлодни мустақил фикрлашга ўргатишнинг давлат даражасидаги масалага айланиш бежис эмас. Шу нуқтаи назардан ижодкор ёшларни тарбиялаш кўп жиҳатдан ўқув- тарбия жараёнини ижодий ташкил этишга боғлиқ. Таълимни ижодий ташкил этмасдан туриб, ижодкор ёшларни тарбиялаш мумкин эмасдиги ҳеч кимга сир эмас.

Анъанавий таълим назарияси ва унга оид педагогик амалиётда бошланғич синф ўқувчиларининг мустақиллиги, ташаббускорлиги, ижодкорлиги, тафаккурига етарли эътибор берилмайди. Ўқувчи таълимда ижрочи, ўқитувчи топшириқлари, хоҳиш-истакларини бажарувчи ролида иштирок этади. Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, таълимда ўқувчилар мавқеини, мақомини, ҳолатини, янгиламасдан, зарур ўринларда уларни бутунлай ўзгартирмасдан, боланинг ўқув-тарбия жараёнининг фаол иштирокчисига айлантирмасдан, унинг онги, тафаккурини ишлатмасдан ўқув-тарбия жараёнининг фаол иштирокчисига айлантирмасдан, унинг онги тафаккурини ишлатмасдан ўқув-тарбия жараёнини ижодий ташкил этиш мумкин эмас.

**Ижод** инсонгагина хос, тарихий, маданий яратувчилик сифатларига эга онгли, мақсадга йўналган, фаол ҳатти-ҳаракатлар мажмуасидир. У оригиналлиги, янгилиги бетақдорлиги билан ноижодий фаолиятдан фарқ қилади. Шу хусусиятларига асосланиб,

|      |  |  |  |
|------|--|--|--|
|      |  | уйғунлаштириш масалалари.  |  |
| 96.  | М.М.Дўстмуродов                                | Ўрхуннасой битикгошларидаги баъзи топонимик лексемалар.  |  |
| 97.  | Д.М.Жамолова                                   | Бухоро амирлигида тўйларни тартибга солиш бўйича амалга оширилган ишлар.   |  |
| 98.  | Х.С.Жуманазаров                                | Габибларнинг касбий анъаналарига доир мулоҳазалар.   |  |
| 99.  | Г.У.Жуманазарова                               | Бошланғич синф ўқувчиларининг мустақил ижодкорлигини шакллантириш.   |  |
| 100. | М.Ю.Жуманова                                   | Навоний асарларида элизия ҳодисаси.  |  |
| 101. | Ш.С.Жўраев                                     | Ўзбекистон кимё ва нефть-кимё саноати ривожланишининг тармоқ ва таркибий гузилишида бўлиб ўтаётган ўзгаришлар.   |  |
| 102. | А.Ф.Исмаилов                                   | Гарих дарсларида «саналарни таққослаш» ўйин усулидан фойдаланиш орқали ўқувчиларда мустақил фикрлашни шакллантириш.                                    |  |
| 103. | Д.О.Каримова                                   | Бронза даври Бишкент ва Вахш маданияти.  |  |
| 104. | Ш.Ф.Каримова                                   | Завкий мероси: янгича талкин ва муносабатлар.  |  |
| 105. | Ш.Т.Қўлдашев                                   | Хитойдаги ўзбеклар: ўтмиши ва маданиятидаги ўзгаришлар.  |  |
| 106. | Ҳ.М.Ўлутфиллаев                                | Фаррухий Термизийнинг «Девони фаррухий» асари қўлёзмалари ҳақида.  |  |
| 107. | О.Р.Мадалиева                                  | Навоний девонларининг қўлёзмалари хусусида.  |  |
| 108. | А.М.Муллаев                                    | Ўзбекистоннинг Замонавий Ипак йўлидаги халқаро маданий муносабатлари.  |  |
| 109. | А.Ж.Мусағалиев                                 | Некоторые аспекты снижения налоговой нагрузки юридических лиц.   |  |
| 110. | Ш.А.Мусаев,<br>У.Х.Ешимбетов,<br>О.Дж.Курбанов | Роль развития транспортной инфраструктуры в повышении промышленного производственного потенциала природно-экономических зон Республики Каракалпакстан. |  |
| 111. | Ф.Т.Мусаева                                    | Языковые особенности Иканского диалекта.   |  |
| 112. | Ж.А.Мустафоев                                  | Сармишсой қоя тош тасвирлари: тарихи, тадқиқ этилиши ва таснифи.   |  |
| 113. | Т.Ҳ.Норқобилов                                 | Мустақиллик йилларида Сурхон воҳаси бронза ва илк темир даври ёдгорликлари ўрганилишининг асосий йўналишлари.  |  |
| 114. | О.А.Остонов                                    | Ўзбекистонда анъанавий миллий хунармандчиликнинг кадрият сифатида қайта тикланиши.   |  |
| 115. | Ш.Отажонов,<br>А.Махмуджонов                   | Инновацион кластерлар асосида иқтисодий тармоқларини инновацион ривожлантиришнинг методологик масалалари.  |  |
| 116. | Ш.И.Отажонов                                   | Илмий-тадқиқотлар самарадорлигини ошириш, инновацион ишланмаларни жорий этишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш.                    |  |
| 117. | П.Ж.Отениязов                                  | Эртаклар этик ва эстетик восита сифатида.  |  |
| 118. | Ж.А.Перемкулов                                 | Замонавий саноат шаҳарларини тиклаш ва ривожлантиришнинг иқтисодий омиллари (Тошкент вилояти мисолида).  |  |
| 119. | Х.Х.Рахмонов                                   | Эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амал китоби.   |  |
| 120. | К.Р.Раҳимов                                    | Хасрда Бухоро тиббиёт мактабининг шаклланиши.  |  |
| 121. | Р.Ҳ.Рўзиёва                                    | Қадриятларнинг миллий ўзлигини англашдаги ўрни   |  |
| 122. | К.К.Сагдуллаев                                 | Коммуникатив мулоқотда оммавий ахборот воситаларининг ўрни.  |  |
| 123. | Б.Ю.Сангиров                                   | Замонавий ўзбек театрида диний эътиқодий қарашлар талқини: муносабат ва ёндашув масалалари.  |  |
| 124. | Г.Собирова                                     | Мустақиллик даврида ўзбек тилига чет тилларидан ўзлашган сўзлар хусусида.  |  |
| 125. | Н.Э.Темирова,<br>Т.Б.Абдуллаев                 | Маънавий таҳдидларга қарши курашишда таълим-тарбия ва миллий ғоянинг ўрни.   |  |
| 126. | Г.Х.Тиллаева                                   | Акмеологический подход в подготовки современных педагогов – как элемент устойчивого развития   |  |
| 127. | Х.В.Тоғйёева                                   | Alisher Navoiyning “Favovid ul-kibar” devonidagi g'azallarda tasavvuf talqini.   |  |
| 128. | Ш.Э.Тошпурув                                   | Бартольд тадқиқотларида ватанамиз тарихининг ёригилиши.  |  |
| 129. | Қ.Ж.Турекеев                                   | Қорақалпоқларда «Айдар соч» удуми.   |  |
| 130. | О.А.Хамидов                                    | Новый ирригационный район в Северной Бактрии периода Кучук I   |  |
| 131. | И.Холмуродов                                   | Жанубий Қорақалпоғистон ойқонимлари ва уларнинг луғовий асослари хусусида.   |  |
| 132. | Ў.Қ.Хошимов                                    | Мустақиллик йилларида Фарғона водийсининг барқарор ривожланиш масалалари ўрганилиши.   |  |
| 133. | Х.Худайбергенов                                | Хоразм кулолчилик мактабининг ўзига хос хусусиятлари.  |  |
| 134. | Ш.З.Шарипов                                    | Ўзбекистонда қишлоқ хўжалиги соҳасини ривожлантириш истиқболлари.  |  |
| 135. | Н.Ф.Шаринова                                   | XIX аср ўрталари ва XX аср бошларида тиббиётга оид манбалар.   |  |
| 136. | <b>F.I.Shirinova,<br/>S.I.Hamroyeva</b>        | Jahon tarixi darslarini ko'rsatmalilik asosida tashkil etishning ahamiyati.  |  |
| 137. | Д.К.Эралиева                                   | Хусомуддин ал-Ахсикатий ва унинг илмий мероси.   |  |
| 138. | М.А.Эргашев                                    | Оила қарамоғисиз тарбия топаётган болалар билан ишлашнинг хориж тажрибаси.   |  |
| 139. | Д.З.Эрназаров                                  | Ўзбекистонда ижтимоий хизматлар бозори сегментациянинг давлат ижтимоий сиёсатида таъсири.  |  |
| 140. | Д.Т.Эшбекова                                   | Ўзбекистонда совет тарғибот поездларининг ташкил этилиши ва фаолияти (1920-1921 йиллар).   |  |
| 141. | Қ.К.Якубов                                     | Хива хонлиги мадраса таълимида диний фанларнинг ўқитилиши хусусида.  |  |

#### 4-ШҮЪБА